ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

2016 ЙИЛ 13 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 139 (13.202)

Баҳоси эркин нарҳда

25 МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





МИРОБОД ТУМАНИ: ЮКСАЛИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Шу кунларда халқимиз Ватанимизнинг кўп асрлик шонли тарихида мутлақо янги давлат, янги жамият барпо этиш йўлини очиб берган буюк тарихий воқеа – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш ва тантанали равишда нишонлаш учун ҳар томонлама қизғин тайёргарлик кўрмоқда.







Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида таъкидланганидек, биз учун ҳақиқатан ҳам Энг улуғ, энг азиз айём бўлган бу қутлуғ сана ўтган тарихан қисқа даврда босиб ўтилган ғоят оғир ва мураккаб, шу билан бирга шарафли йўлимизни, амалга оширган кенг кўламли ислоҳотларимиз самарасини, қўлга киритган улкан марра ва ютуқларимизни танқидий кўз билан сарҳисоб қилиш, олдимизга қўйган олий мақсад – энг тараққий топган давлатлар қаторига кириш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб олишда, ҳеч шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади.

Биз бундан 25 йил олдин ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, аввало миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, ўзини оқламаган эски, мустабид тузумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислоҳотларга асосланган, бутун дунёда "ўзбек модели" деган ном билан тилга олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширганимиз бугунги кунда биз танлаган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб бермоқда.

Мустақиллик йилларида пойтахтимиз таниб бўлмас даражада ўзгарди, буни унинг таркибидаги 11 та туман мисолида ҳам кўриш мумкин. Миробод тумани — шаҳримизнинг ҳар томонлама ривожланган марказий туманларидан бири сифатида эътироф этилади. 17,13 минг квадрат метр майдонни эгаллаган туман ҳудуди мустақиллик йилларида янада ривож топди. Бугун Мирободнинг марказий ва шоҳ кўчалари таниб бўлмас даражада ўзгарди, замонавий турар жой бинолари қад ростлади. 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига туман аҳолиси сони 130 мингдан ошди.

Туманда бугунги кунда 755 та кўп қаватли уйлар, 28 минг 260 та хонадон рўйхатдан ўтган. Юздан ортиқ кўча, шундан 33 таси марказий, 68 таси кичик кўчалардир.

Миробод туманида муҳим устувор вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида 2015 йил якунлари бўйича асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг белгилаб берилган прогноз кўрсаткичлари таъминланди. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 110,1 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 110,7 фоизга, асосий капиталга инвестициялар 102,1 фоизга, пудрат - қурилиш ишлари 110,2 фоизга, чакана товар айланмаси 118,1 фоизга, жами хизматлар 115, 6 фоизга, пуллик хизматлар ҳажми 104,2 фоизга ўсишига эришилди.

Иқтисодий ислоҳотлар туфайли жорий йилда туманда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 312,7 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш таъминланиши, шу билан бирга қўшимча 15 дан ортиқ янги лойиҳаларни дастурга киритиш чоралари кўрилмоқда.

(Миробод туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз).

ЎЗБЕКИСТОН МЕВА-САБЗАВОТЛАРИ — ЖАҲОН БОЗОРИДА ЭНГ ХАРИДОРГИР

"Ўзэкспомарказ"да I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси очилди

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2016 йил 1 июндаги Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ташкил этиш ва уни ҳар йили ўтказиб туриш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорига асосан ташкил этилган мазкур ярмарка Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси, "Ўзбекозиқовқатзахира" уюшмаси, "Ўзагроэкспорт" ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирнинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аграр тармоқда чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилгани самарасида мева-сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик изчил ривожланаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мамлакатимизда мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, боғдорчиликни ривожлантиришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигини изчил ислоҳ қилишнинг аниқ йўналишлари белгилаб олинди. Сайёрамизнинг қарийб 1 миллиард аҳолиси тўйиб овқатланмаётган ва бу борадаги муаммо тобора кескинлашиб бораётган бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш инсониятнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистоннинг озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш йўлида белгилаган стратегияси нақадар тўғри бўлганлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 давлатдан бири сифатида эътироф этилгани бежиз эмас.

Мамлакатимизда етиштириладиган мева-сабзавотлар саломатлик учун фойдали микроэлементлар, озиқ-овқат рационида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги туфайли ноёбдир. Ўзбекистоннинг ноёб тупроқ-иқлим шароити, мамлакатимизда қуёшли кунлар бир йилда ўртача 320 кун бўлиши, тўрт фаслнинг изчил алмашинуви кенг турдаги юқори сифатли мева ва сабзавотларнинг асосий навларини етиштириш учун қулай имкониятлар яратади. Шунинг учун ҳам саховатли ўзбек заминида етиштириладиган мева ва сабзавотлар юқори нуфузга эга бўлган ҳақиқий брендга – товар белгисига айланиб, бу маҳсулотларни сотиб оладиган мамлакатларда улар юксак рақобатбардошлиги билан ажралиб туради.

– Ўзбекистонда етиштирилаётган мева-сабзавотлар саломатлик учун ғоят муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги, юқори сифати, экологик тоза ва хавфсизлиги, рақобатбардошлиги билан бошқа минтақаларда етиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли даражада юқори туради, – дейди Халқаро ёнғоқ ва қуруқ мевалар бўйича кенгаш раиси ўринбосари Пино Калкагни. – Ўзбекистонда етиштирилаётган меваларга дунё мамлакатларида талаб жуда катта. Сўнгги ўн йил ичида Ўзбекистон қуруқ мевалари ва ёнғоқлари экспорти ҳажми 5 карра ортгани бунинг ёрқин далилидир. Мамлакатингизда озиқ-овқат саноатининг мазкур йўналишини янада ривожлантиришнинг салоҳияти катта. Серқуёш ўлкангизда етиштириладиган меваларни, айниқса, қора майизни яхши кўраман. Мазкур ярмарка Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятлари, захира ва салоҳияти билан янада яқинроқ танишиш, замонавий технологияларни жалб этиш, ҳамкорлик ўрнатиш, фикр ва тажриба алмашишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

(Давоми 3-бетда)

XXI садоси Хаср

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда "Стоматологиянинг долзарб муаммолари" мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Анжуман доирасида юртимизда фаолият юритаётган тиббий ва фармацевтик компанияларнинг дори-дармонлари, стоматологик касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга доир қўлланмалар кўргазмаси ташкил этилди.

● Сирдарёда "Ҳуқуқий давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Германиянинг Фридрих Эберт номидаги жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Сирдарё вилоятида фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди.

● Қашқадарё вилояти Қарши туманида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва хотин-қизларнинг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришнинг долзарб вазифаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирда "Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш – устувор вазифа", "Банк кредитларини олишнинг тартиб ва мезонлари" каби мавзуларда маърузалар тингланди. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга қўшимча имтиёз ва янада қулай шароитлар яратиш юзасидан фикр алмашилди.

● Термизда шахмат ва шашка бўйича "Биз ақл-идрокли оилалармиз" спорт мусобақасининг ҳудудий финал босқичи бўлиб ўтди. Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада 84 оила ўзаро баҳслашди.

ЖАҲОНДА

● БМТ Бош котиби Пан Ги Мун жаҳон ҳамжамиятини Жанубий Суданга нисбатан қурол-яроғ эмбаргосини қўллашга чақирди.

● Хитойнинг Фуцзянь вилояти соҳилларига "Непартак" тўфони хуруж қилди. Тўфон асосан денгиз бўйида жойлашган Цюаньчжоу шаҳрига хавф солмоқда. Табиий офат оқибатида мамлакат ҳукумати Фуцзянь вилоятига борадиган 341 поезд ҳаракатини вақтинчалик тўхтатиб қўйишга мажбур бўлди. Бундан ташқари, 400 дан зиёд авиарейслар бекор қилинди.

● Португалияда ҳарбий самолётнинг ҳалокатга учраши натижасида уч киши ҳаётдан кўз юмди.

Тошкент шаҳар Кенгашида

ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн бешинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, шаҳар ҳокими Р.Усманов олиб борди.

Унда Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари якунлари, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш, 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг устувор вазифалари, 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш ва шаҳар Кенгаши ваколатига оид бошқа масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8 ва 12-моддаларига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови 2016 йилнинг май-июнь ойларида амалдаги қонунчиликка мос равишда, демократизм ва ошкоралик асосида фуқароларнинг юксак ижтимоий-сиёсий фаоллиги остида ўтганлиги таъкидланди.

Қонунга мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарори билан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи шаҳар ва туман комиссиялари тузилди. Шунингдек, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича 505 та ишчи гуруҳлари ташкил этилди.

12 та комиссия ва фуқаролар йиғинлари томонидан тузилган фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича 505 та ишчи гуруҳлари таркибига тегишли ҳудудда жойлашган фуқаролар йиғинлари, давлат, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари киритилди. Комиссияларнинг аъзолари, шаҳар Кенгаши депутатлари ҳамда бошқа фаоллар муайян ҳудудларга бириктириб қўйилди.

Сайловни ташкилий-сиёсий жиҳатдан пухта ўтказиш мақсадида тегишли тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Сайлов кампанияси зарур норматив база билан таъминланди, сайлов тадбирларини ўтказишда услубий ва амалий жиҳатдан ёрдам кўрсатилди.

(Давоми 2-бетда)

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ 25 O'ZBEKISTON

МИРОБОД ТУМАНИ: ЮКСАЛИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ САРИ















Истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди. Ҳар бир оилада, айниқса аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва шакллантириш муҳим аҳамиятга эга эканлигига катта эътибор қаратилмоқда.

Тиббиёт

ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Айтиш жоизки, Миробод туманида жами 11 та даволаш профилактика муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлардан келиб чиқиб, тиббиёт муассасалари босқичма-босқич таъмирланиб, аҳоли учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Биргина, ўтган 6 ой давомида икки маротаба "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остида тиббий кўрик ташкил этилиб, уруш қатнашчилари, якка ёлғиз, ўзгалар қарамоғига муҳтож инсонлар соғлигига эътибор кучайтирилди.

Бугунги кунда оилавий поликлиникалар ва умумий амалиёт шифокорлари фаолияти тизими етакчи соҳалардан бирига айланди.

3-сонли оилавий поликлиника илгари 8 март кўчасида жойлашган бўлиб, замон талабига жавоб бермай қолган эди. 2015 йил Инвестиция дастури асосида Ҳамал кўчасидан аҳоли учун қулай жой ажратилиб, янгидан қурилиш ишлари амалга оширилди. Бунинг учун 4 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Натижада уч қаватли барча шароитларга эга бино қад кўтарди. 2016 йил Соғлом она ва бола йилида поликлиника ишга туширилди.

Поликлиника шароитларини кўздан кечирар эканмиз, ҳақиқатан ҳам бу ерда аҳолининг саломатлигини тиклаш йўлида яратилган шарт-шароитлардан кўнглингиз ёришиб кетади. Биринчи қаватда аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш учун лаборатория-диагностика бўлими жойлашган бўлса, иккинчи қаватда умумий амалиёт шифокорлари учун махсус хоналар, учинчи қаватда эса тор мутахассислар ва маъмурият учун алоҳида хоналар ажратилган. Поликлиника 40 минг 205 нафар аҳолига хизмат қилади.

Эндокринолог Наргиза Бўронова 2008 йили магистратурани муваффақиятли тугатиб, замонавий шароитларга эга мазкур масканда иш бошлаган шифокорлардан бири. Ёш, интилувчан, ўз касбини севган шифокор иш жойидаги яратилган қулайлик ва шароитлардан мамнун эканлигини билдирди. Туманнинг Абдурауф Фитрат кўчасида яшовчи Нилуфар Мирзаева билан суҳбатлашганимизда эса у 10 ойлик фарзанди Абдуманнопни тиббий кўрик учун олиб келганлигини, патронаж ҳамширалар томонидан фарзандининг соғлиги мунтазам назорат қилиб борилаётганлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтди.

Маҳалла

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР МАСКАНИ

Мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур янгиланишлар намунаси ва фаол иштирокчиси сифатида халқимизнинг бой тарихий тажрибаларининг узвий ифодасига айланган ноёб бошқарув тизими — маҳалланинг нуфузи ҳам тобора ортиб бормоқда.

Маҳалла — халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминловчи, бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва хайру саховат сингари инсоний фазилатларни ўзида мужассам этади. Миллий қадриятларимизни улуғлайдиган ушбу маскан қадрдон уйимиз ҳисобланади.

Биз йўл олган "Янги Миробод" маҳалла фуқаролар йиғинида олиб борилган ободончилик ишлари кўнгилларни хушнуд этди.

Яқинда бўлиб ўтган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови маҳаллада демократик талаблар асосида ташкил этилди. Халқ ишончини қозонган, маҳалланинг пасту баландини яхши биладиган Орзигул Тўрабоева маҳалла фуқаролар йиғинига раис этиб сайланди.

— Ҳудудимизда 2 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси О. Тўрабоева. — 11 та кўп қаватли уйлар, ҳовли-жойлардан ташкил топган, 7 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати бор. Кейинги пайтда аҳоли билан аҳиллиқда бир қатор ишларни амалга оширмоқдамиз. Яқинда маҳалламиз кириш жойига арка ўрнатилди. Аҳолимиз кўтаринки кайфиятда Мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш ниятида меҳнат билан машғул.

Маҳаллада 3 та беш қаватли уйга хизмат кўрсатувчи "Эҳтиром люкс" ХУЖМШ раҳбари Раъно Абдумаматованинг эътироф этишича, тижорат банклари томонидан берилаётган молиявий ёрдам туфайли кўп қаватли уйларнинг том қисми ёпилиб, ертўладаги темир қувурлар пластмасса қувурларга алмаштирилди. Ҳудудда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, автотураргоҳ барпо этилди. Бу каби ўзгаришлардан шу уйларда яшовчилар бениҳоя мамнун бўлишмоқда.

Ёшлар — келажагимиз

ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Юртимизда келажагимиз давомчилари бўлган ёшларнинг билимли, маънан ва жисмонан етук бўлиб вояга етишлари йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Миробод тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфида 16 та умумтаълим мактаблари, 1 та махсус мактаб, 2 та спорт мактаби, 1 та "Баркамол авлод" болалар маркази, 3 та мусиқа ва санъат мактаби ҳамда 26 та мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўтган 2015-2016 ўқув йили мобайнида туманда инвестиция дастури асосида 218-сонли умумтаълим мактаби ҳамда 126, 135-мактабгача таълим муассасалари мукаммал таъмирдан чиқарилди. Тумандаги барча таълим муассасаларида ўқув йили давомида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари режа асосида олиб борилди, турли мевали ва манзарали дарахтлар ҳамда мавсумий гул кўчатлари экилди.

126-мактабгача таълим муассасаси мудираси Дилрабо Маҳаматованинг таъкидлашича, анча пайтдан бери муассаса биноси таъмирланмаган. Давлат дастури асосида 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига мукаммал таъмирлаш ишларидан сўнг, у кўркам қиёфа касб этди. Бугунги кунда 12 та гуруҳда 250 нафар тарбияланувчи ёз мавсумини мароқли ўтказмоқда. Бу ерда "Болажон" дастури асосида машғулотлар олиб борилади.

218-мактабга ташриф буюрганимизда болаларнинг шўхшодон қийқириқлари устидан чиқдик. Янги реконструкциядан чиққан мактабда ёзги оромгоҳ ташкил этилган экан.

Таъмирдан сўнг мактаб янада чирой очган. Ўқув хоналари янги мебеллар билан жиҳозланган. 27 та синфхона, 1 та компьютер хонаси, 4 та инглиз тили хонаси зарур жиҳозларга эга. Мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ҳафиза Абдуғаниева "Ораста қизлар" кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этди.

— Мактабимизда 80 та ўқитувчи мингдан ортиқ ўқувчиларга таълим беради, — дейди мактаб директори Мавжуда Ўринбоева. — Бу йилги ўқув йилини 147 нафар битирувчи тугаллади. Айни пайтда "Қалдирғоч" номли оромгоҳимизда болажонлар турли тўгаракларга қатнашиб, бўш вақтини мазмунли тўказишга ҳаракат қилишмоқда. Бу ерда 8 та тўгарак иш олиб бораяпти.

Ўқитувчи Дилфуза Дорипованинг айтишича, инглиз тили хонаси проектор, телевизор, компьютер ва бошқа керакли жиҳозлар билан таъминланган, машғулотлар интерфаол усулларда, қизиқарли тарзда олиб борилади. Бу эса болажонларнинг тилни пухта ўзлаштиришларига имкон яратмоқда.

Иқтисодиёт

МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилаётган эътиборнинг чеки йўқ. Бу борада етарли ҳуқуқий база шакллантирилган.

Рақамларга таяниб фикр юритадиган бўлсак, Мирободда 4867 та корхона рўйхатдан ўтганлигини кўрамиз. Шундан 10 таси йирик корхона, 4392 таси кичик бизнес субъектларидир. Туманда бундан ташқари 533 та хориж сармояси асосида фаолият юритаётган корхоналар мавжуд. Ана шулардан бири "Тошэлектроаппарат" маиший техникалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонадир. Бу ерда юзга яқин ишчи меҳнат билан банд. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури мингтадан ошади. Айтиш жоизки, бу ерда энг замонавий, жаҳон талабларига жавоб бера оладиган, рақобатга чидамли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхона тижорат директори Артур Назаровнинг таъкидлашича, сўнгги икки йил мобайнида бир неча маҳсулотлар локализация дастурига киритилди. Илгари четдан олиб келинаётган маҳсулотлар эндиликда ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Масалан, ток учун электр ҳисоблагичлар, лифт, қуёш батареялари асосида ишлайдиган ускуналар ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Шу билан бирга, туманда мебель ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олган бир неча корхоналар ишлаб турибди. Шулардан бири "Verdi" савдо белгиси остида маҳсулотларини сотувга чиқараётган "Aziya biznes" масъулияти чекланган жамиятидир.

Корхона иш юритувчиси Иззатулла Миррасуловнинг айтишича, 2013 йил ёз ойларида Хитой давлатидан энг замонавий технологиялар олиб келиб, ўрнатилгандан сўнг ишлар юришиб кетди. Бошида 20 та ишчи билан фаолият бошлаган корхонада бугунги кунга келиб 70 га яқин ёшлар меҳнат билан машғул.

Албатта, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишнинг ўзи бўлмади. Бунда акциядорлик тижорат "Алоқабанк" кредитларидан фойдаланилгани ўз самарасини берди. Бу ерда ошхона, ётоқхона, идора мебеллари, стол-стул ва бошқа ўндан ортиқ маҳсулот турларини кўриш мумкин. Корхонанинг ёнида савдо дўкони ишлаб турибди, бу эса тайёр маҳсулотни биринчи қўлдан олиш имконини беради.

Саҳифа материалларини З.ШАРИФЖОНОВ тайёрлади
Ислом Исмоилов олган суратлар

Қайсики юртнинг ободлигини билмоқчи бўлсанг, ўша юртнинг бозорини бориб кўр, дейишади. Мустақиллик йилларида бозорларимиз қиёфаси ҳар томонлама чирой очди. Олувчию сотувчига баб-баравар шароит яратилди. Кекса ёшдаги кишиларнинг билдиришича, Миробод деҳқон бозори 1996 йилда ҳукуматимиз ташаббуси билан янгитдан қуриб фойдаланишга топширилган. Ўша пайтда 961 та савдо ўрни бўлиб, 2 қаватли савдо дўконларидан иборат бўлган.

БОЗОРЛАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Жорий йилда бозорни қайта реконструкция қилишга қарор қилинди. Чунки, 20 йил ичида бозорнинг тепа қисмида айрим муаммолар юзага келди. Томга қушлар ин қуриб олган, чакки ўтиш ҳолатлари пайдо бўлган эди. "Анкур" қурилиш фирмаси ишчилари томонидан таъмирлаш ишларига икки ой вақт сарфланди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш учун мўлжалланган савдо расталари қайтадан қурилди. Гўшт, сут, нон сотиш учун алоҳида павильонлар ташкил этилди.

— Айни пайтда 530 та савдо растаси, юздан ортиқ савдо павильонлари билан ишни давом эттираяпмиз, — дейди биз билан суҳбатда бозор ходими Абдуҳамид Миррасулов. — Ҳар бир павильон замонавий талабларга жавоб беради. Унинг ичида музлаткичлар ўрин олган, савдо терминаллари билан жиҳозланган. "Элга хизмат" корхонаси ишлаб турибди. Хавфсизлик нуқтаи назаридан видеокузатув мосламалари ўрнатилди. Машиналар кириб-чиқиши учун автотураргоҳ тартибга келтирилди.

— Миробод деҳқон бозорида 15 йилдан бери савдо қиламан, — дейди сотувчилардан бири Зуҳра Акромова. — Илгаридан бозоримиз намунали эди, эндиликда янада чиройли бўлди. Ўзим сут ва сут маҳсулотлари билан савдо қиламан. Бунинг учун барча шароитлар бор.

Бозорда сархил меваларни қишин-ёзин сотиб олиш мумкин. Элимизга намунали тарзда хизмат кўрсатиб келаётган шундай бозорларимиз билан фахрланамиз, албатта.

ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сайловолди тадбирларини ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлари ўз сайлов округларида, шунингдек, туман ҳокимликлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Нуроний" жамғармаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси, хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий бўлимларининг вакиллари фаол қатнашдилар.

Бу йилги сайловларда жами 370 нафар маҳалла оқсоқоллари алмашди. Жумладан, сайланган маҳалла раисларининг 47 нафарини аёллар ташкил этди. 505 та маҳалла раисларига маслаҳатчи этиб 7439 нафар фуқаролар сайланди. Сайланган маслаҳатчиларнинг 1920 нафарини аёллар ташкил этди.

Сессияда биринчи маротаба фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) этиб сайланганлар билан ҳуқуқий билимларини ошириш ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият юритиши билан боғлиқ амалдаги қонун ҳужжатларининг қоидаларини ўрганиш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни, оилавий бизнесни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жамоатчилик назорати, табиатни муҳофаза қилиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш масалалари юзасидан ўқув курслари базасида ўқувлар ташкил этиш белгиланди.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Тошкент шаҳрида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган ҳудудий чоратадбирлар дастурининг ижроси бўйича олиб борилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Ушбу масала бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2015 йил 30 декабрдаги фармойиши билан белгиланган тартибда ишчи гуруҳ ва мониторинг гуруҳлари тузилганлиги ҳамда шу асосда ишлар олиб бораётганлиги қайд этилди.

Туман ҳокимликлари ва мутасадди ташкилот раҳбарларига бир ой муддатда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказилишини таъминлаш мақсадида "Камолот" китоб дўконлари фаолиятини йўлга қўйиш бўйича тегишли таклиф киритиш ва бу борада ишларни мувофиқлаштирган ҳолда олиб бориш тавсия этилди.

Жамоатчилик Кенгашларига халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатларини киритиш ва ҳамкорликда ишларини янада фаоллаштириш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун аниқ молиявий манбани аниқлашга масъул бўлган мутасадди давлат бошқарув идораларини жалб этган ҳолда ўқув семинарларини ташкил этиш ва мониторинг гуруҳи томонидан ишларни мувофиқлаштириш вазифалари белгилаб олинди.

Шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган "Сиз қонунни биласизми", "Солиқ биламдонлари", "Ёш ўт ўчирувчи" шиори остида танловлар ўтказиш ва бу борада ишларни янада фаоллаштириш юзасидан ижтимоий шерикчиликни йўлга қўйган ҳолда манфаатдор бошқармаларнинг ишларини мувофиқлаштириш, ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига жалб қилиш мақсадида "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати фаолиятини янада кенгайтириш таъкидланди.

Бундан ташқари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойлардаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг олиб бораётган ишларини таҳлилий баҳо берган ҳолда рағбатлантириш ҳамда иш самарадорлигини оширишга қаратилган механизмларни татбиқ этишга эътиборни қаратиш кўрсатиб ўтилди.

Юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш мақсадида жойларда кенг қамровли давра суҳбатлари ташкил этиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, қизларни касбга қизиқтириш, ораста қизлар танловларини ташкил этишда ўқувчиларнинг ўзларининг қизиқишларини ошириш ва мазкур тадбирларда шоиралар, олималар, айрим касб эгалари ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлари иштирокини таъминлаш вазифалари қўйилди.

Сессияда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2016 йил биринчи чорак ижроси кўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича Тошкент шаҳрининг 2016 йилги маҳаллий бюджет параметрлари Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 30 декабрдаги қарори доирасида ижро этилгани тўғрисида берилган ахборот маълумот учун қабул қилинди.

2016 йил учун тасдиқланган харажатлар сметаси ижросини ўз вақтида ва тўлиқ ижро этиш, дебитор ва кредитор қарздорликлар юзага келишига йўл қўймаслик, бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан назоратни кучайтириш ва бу борада масъул ходимларнинг жавобгарлигини ошириш бўйича қатъий чора-тадбирлар кўрилди.

Шунингдек, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг устувор вазифалари ва 2016 йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлар кўлами муҳокама этилди.

Ушбу масала юзасидан 2016 йил иккинчи ярим йилликда Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, муҳим мақсадли дастурларда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ва ижро интизомини яхшилашга қаратилган йиғилишлар ташкил этиш, ислоҳотлар жараёнига тўсқинлик қилаётган сабабларни чуқур таҳлил қилиб, устувор вазифаларнинг бажарилишини тўлиқ таъминлаш борасида амалий чора-тадбирларни белгилаш таъкидланди.

"Соғлом она ва бола йили" ҳудудий дастурида белгиланган вазифалар ижросини кўриб чиқиш бўйича ҳар ўн беш кунда танқидий-таҳлилий йиғилишлар ўтказиб бориш ҳамда ўзибўларчилик ҳолатларини бартараф этиш, бу борада ижро интизомини мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш, бошқарувнинг барча бўғинларида тегишли мутасадди раҳбар ва мутахассисларнинг масъулиятини ошириш чораларини кўриш айтиб ўтилди.

Сессия ишида "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси ҳамда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш борасида Тошкент шаҳрида олиб борилаётган ишлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги "Тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг Тошкент шаҳридаги ижроси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан Олмазор тумани ҳокимлигининг ҳисоботи, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиясининг фаолияти, Тошкент шаҳрида 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳамда мавжуд 505 та шаҳар маҳаллаларининг чегараларини белгилаш ва бошқа масалалар ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн бешинчи сессиясида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН МЕВА-САБЗАВОТЛАРИ — ЖАҲОН БОЗОРИДА ЭНГ ХАРИДОРГИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа кўплаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунёдаги ўнта етакчи давлат қаторида туради. Бугун халқимиз эҳтиёжидан ортиқча 180 турдан зиёд мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар АҚШ, Бразилия, Вьетнам, Индонезия, Кипр, Македония, Малайзия, Мўғулистон, Норвегия, Россия, Саудия Арабистони, Словакия, Таиланд, Хитой, Япония каби саксондан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда. Соҳада олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар самарасида экспорт жўғрофияси кенгайиб, ҳажми тобора ошмоқда.

Мамлакатимизда йилига 17 миллион тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, уларнинг 4 миллион тоннадан зиёди экспорт қилинади. Ўтган йили юртимизда 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди.

Қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Натижада йил давомида нархларнинг ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконияти яратилди.

Ҳозирги кунда экин майдонлари оптималлаштирилиб, ҳосилдорликни оширишга эътибор қаратилмоқда. Янги боғ ва токзорлар барпо этилиб, уларга селекционер олимларимиз яратган ҳар бир ҳудуднинг иқлимига мос, қурғоқчиликка, касаллик ва зараркунандаларга чидамли навлар экилмоқда. Сўнгги йилларда қарийб 100 минг гектарда мевали боғ ва токзорлар барпо этилди. Кейинги уч йилда 22 минг гектардан зиёд майдонда интенсив боғ ташкил қилинди. Уларни яратишда асосан тоғ ва тоғолди ҳудудлари, шунингдек, сув тақчил ерларда пайвандтагларга пакана илдиз-бўғиз қўйиш йўли билан етиштирилган кўчатлардан фойдаланиш технологияси кенг жорий этилмоқда. Бундай боғлар икки йилда ҳосилга кириб, олтинчи йили гектаридан 50-60 тоннагача мева бериши билан ажралиб туради.

Селекционерларимиз яратган иқлим шароитимизга мос, қурғоқчиликка, касаллик ва зараркунандаларга чидамли сабзавот, мева ва резавор экинлар ва картошканинг 170 дан ортиқ нави, мева ва резавор экинлар ва узумнинг 175 нави парваришланмоқда. Бунда пахта майдонлари қисқариб, мева-сабзавот, полиз ва узум етиштиришга ихтисослашган майдонларнинг кенгайиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай ишлар натижасида 2020 йилга бориб картошка етиштириш 35 фоизга, сабзавот 30, мева ва узум 21,5 фоизга ошиши кутилмоқда. Замонавий технологиялар асосида мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини 2030 йилда 5,7 карра ошириш имконини беради.

Ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турини кенгайтириш ҳисобидан қишлоқ хўжалиги секторининг экспорт салоҳиятидан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш мақсадида "Ўзбекозиқовқатхолдинг" компанияси ва "Ўзагроэкспорт" ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси ташкил этилиб, юртимизда етиштирилган мева-сабзавотларни экспортга етказиб бериш бўйича уларнинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари белгиланди.

Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад хорижликларни Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида эришилаётган ана шундай юксак самаралар билан яқиндан таништириш, мамлакатимизда етиштирилаётган экологик тоза мева-сабзавотлар, полиз экинлари ҳамда уларни қайта ишлаш орқали тайёрланаётган турли хилдаги маҳсулотларни намойиш этиш, соҳада мавжуд маҳаллий ва халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, янги шериклар топиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада оширишдан иборат.

Ярмаркада АҚШ, Буюк Британия, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Япония, Италия, Франция, Малайзия, Ҳиндистон, Россия, Латвия, Озарбайжон, Туркманистон, Эрон, Афғонистон, Қозоғистон каби қирқдан зиёд мамлакатдан кўплаб халқаро савдо ташкилотлари, савдо-саноат палаталари, қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашган вазирлик ва идоралар, логистика компаниялари, мамлакатимизнинг мева-сабзавотчилик соҳасида иш юритувчи корхоналари иштирок этмоқда.

– Ҳамкорлигимиз барча соҳаларда изчил ривожланаётгани бизни ғоят қувонтиради, – дейди Россия Федерацияси қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари Сергей Левин. – Ўзбекистон Россиянинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги анъанавий ва муҳим шеригидир. Мамлакатингизда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавотчилик соҳаси ҳам изчил ривожланмоқда. Ўзбекистондан Россияга мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмини янада ошириш, узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан манфаатдормиз. Мазкур ярмарка мамлакатларимиз ўртасидаги соҳага оид ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини беради.

Халқаро форум озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳасининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган. Унда ҳўл ва қуруқ мевалар, цитруслар, сабзавотлар, кўкатлар, полиз экинлари, дуккакли ўсимликлар, ёнғоқлар, зираворлар, ичимликлар, қадоқлар ва қадоқлаш технологиялари, транспорт ва логистикага оид кўплаб бўлимлар ишлаб турибди.

Мамлакатимиздаги қулай сармоявий муҳит хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларни янада кенгайтириш, барча соҳага замонавий технологияларни жалб этишда муҳим омил бўлаётир. Хусусан, мева-сабзавотчилик соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўплаб корхоналар самарали фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон мева-сабзавотчилик соҳаси вакилларининг маҳсулотлари мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган компаниялар экспозицияларида кенг ўрин эгаллаган. "Agro Sweet Plus", "Afruz-Kamol-Nabi", "Delta Ekspress", "Fergana Agroexport Biznes", "Qashqadaryo Agroeksport Info", "Different Med", "Business Diamond Invest" корхоналари шулар жумласидандир. Улар кенг турдаги мева-сабзавот маҳсулотларини намойиш қилиб, ўз хизматларини таклиф этмоқда.

– 2008 йилдан буён фаолият юритаётган компаниямиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, мева-сабзавотларни қуритиш ва уларнинг савдоси билан шуғулланади, – дейди Наманган шаҳридаги "Afruz-Kamol-Nabi" масъулияти чекланган жамиятининг тижорат ишлари бўйича директори Собит Нўъмонов. – Мамлакатимизда тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Корхонамиз ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологияларнинг жалб этилиши йилига 25 минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш имконини бераётир. Маҳсулотларимизга хорижда ҳам талаб катта. Уларнинг экспортини кенгайтиришни режалаштирганмиз. Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси шу жиҳатлари билан бизга жуда маъқул бўлмоқда.

Ярмарка доирасида экспортчилар ва Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари харидорлари ўртасида ўзаро учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиши, тадбир иштирокчиларининг мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар, интенсив боғлар, музлаткичли омборлар билан танишуви режалаштирилган.

– Ташкилотимиз Ўзбекистон билан кўплаб соҳаларда қатор қўшма лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда, – дейди Осиё тараққиёт банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Такео Кониши. – Ҳамкорлигимизнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири ирригация тизимини модернизация қилишга қаратилган лойиҳалардир. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга, фермер ва ишбилармонларга имтиёзлар яратишга, мева-сабзавотчилик тармоғини тараққий эттиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай юксак эътибор Ўзбекистон иқтисодиётининг муттасил ривожланишида муҳим омил бўлаётир. Мамлакатингиз билан бундан кейин ҳам ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни ҳаётга изчил татбиқ қилишда фаол иштирок этиш ниятидамиз.

Ушбу анжуман мамлакатимиз ишбилармонлари ва чет эллик ҳамкорлар ўртасида музокаралар ўтказиш, тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорлик истиқболларини белгилаш, икки томонлама манфаатли шартномалар имзолаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг йўналишлари ва ривожланиш истиқболларини таҳлил этиш, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Халқаро мева-сабзавот ярмаркасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

"ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ АХБОРОТ ХИЗМАТИ"

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, йирик хўжалик субъектлари, шунингдек, жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари ўртасида **"Йилнинг энг фаол ахборот хизмати"** ижодий танловини эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида ўтказилади.

Танлов шартлари:

Танловда иштирок этиш учун ахборот хизмати ёки матбуот марказининг жорий йилдаги фаолияти ва эришган ютуқлари ҳақида маълумот – 2016 йилнинг 1 январидан 10 ноябригача давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик субъектлари, жамоат ташкилотларининг расмий ахборот сайтларида, шунингдек, мамлакатнинг босма ва интернет нашрларида чоп этилган, таърифланган фаолиятни тасдиқлайдиган манбаларга барча ҳаволаларни тақдим этган ҳолда, вазирликлар, идоралар ёки жамоат ташкилотлари, ахборот хизмати ходимининг фамилияси, исми, шарифи, ОАВда тадбирлар қайд этилган мақолаларнинг асл нусхаси тақдим этилиши керак.

Танлов олтита номинация бўйича ўтказилади:

— йилнинг энг фаол ахборот хизмати;
— йилнинг энг фаол ахборот хизмати раҳбари ёки ходими;
— энг яхши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи расмий сайти;
— йил кашфиёти;
— маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақдим этганлиги учун;
— журналист наздидаги энг фаол ахборот хизмати.

Номинациялар бўйича танлов ҳужжатлари рўйхати:

Йилнинг энг яхши ахборот хизмати – жорий йилда ахборот хизмати ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати ходимларининг исми ОАВда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлар бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

Йилнинг энг яхши ахборот хизмати раҳбари – жорий йилда ахборот хизмати ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати раҳбарининг фамилияси, исми, шарифининг ОАВда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлар бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

Энг яхши расмий сайт – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари расмий сайтининг фаолиятини, расмий веб-сайт ва бошқа ОАВда, жумладан, электрон нашрларда чоп этилган ахборотга ҳаволалар сони, веб-сайтга кундалик ташриф буюрувчилар сони, чоп этилаётган ахборотнинг ғоявий-бадиий даражаси ва контент сифати, шунингдек, расмий веб-сайтда тил версияларининг ишлашини эркин усулда таърифлаш.

Йил кашфиёти – жорий йилда йирик жамоат ташкилотлари, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ахборот хизмати ходимлари ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати ходимлари фамилияси, исми, шарифи матбуотда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлар бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

Маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақдим этиш – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи расмий саҳифасининг ижтимоий тармоқлардаги фаолияти, рўйхатдан ўтганларнинг сони, фойдаланувчиларнинг умумий қамрови, расмий саҳифа ва интернет-ОАВда чоп этилган ахборотга ҳаволалар сони, расмий саҳифада тақдим этилган материалларга репостлар сони, ахборотни ижтимоий тармоқларда жойлаштириш тезлиги, ижтимоий тармоқларда фойдаланувчилар билан мулоқот самарадорлигини эркин шаклда таърифлаш.

Журналист наздидаги энг фаол ахборот хизмати – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмлари, масс-медиа вакиллари учун ўтказиладиган тадбирлар сони ва уларнинг иштирок этиш даражаси, шаклланган журналистлар пулининг мавжудлиги, журналистлар учун махсус мавзуга доир танловларнинг ўтказилиши, тадбирлар доирасида тақдим этиладиган тарқатма материалнинг сифати, онлайн режимида ташкилот фаолияти ҳақидаги дайджестларнинг доимий равишда юритилишини эркин шаклда таърифлаш.

Танловда иштирок этиш учун ариза юридик шахс раҳбари – танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳр босилган, иш жойи, касбий фаолияти ҳақида қисқача маълумот, телефон рақами, манзили ва муаллиф паспортининг нусхаси илова қилинган ҳолда тўлдирилган бланкни ташкил этади.

Танловга топширилган материаллар ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тилида тайёрланган бўлиши ва босма, интернет нашр ёки веб-сайт кўрсатилган ҳолда босма ҳамда электрон шаклда тақдим этилиши керак.

Фоторепортажлар асл нусха ҳолатида тақдим этилади.

Танлов ғолибларига совринлар:

Ғолиблар ҳар бир номинация бўйича махсус диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланади.

Материаллар 2016 йилнинг 10 ноябригача **"Йилнинг энг фаол ахборот хизмати"** танловига қайди билан Тошкент шаҳар – 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 45-хона манзили бўйича Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига юборилиши керак.

Батафсил маълумотни 244-12-51, 244-14-28 телефонлари орқали олиш мумкин.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ахборот хавфсизлиги бўйича «Cyber security challenge Uzberkistan» ёшлар танлови ярим финал босқичининг якуни сарҳисоб қилинди.

ФИНАЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Танлов "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ёшлар ташаббуслари маркази, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ташкил этилди.

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожлантирилиши ва ахборот жамиятининг шаклланиши самарасида ахборот хавфсизлиги масаласи янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Танлов киберҳавфсизликни таъминлашда ёшлар ҳам фаол иштирок этаётганидан далолат берди. Коллеж ўқувчилари ҳам тажрибали мутахассислар қатори виртуал инфратузилмани шифрлаш ва унинг ҳимояга муҳтож жиҳатларини топишда ўз қобилиятини намоён этди.

Танловда 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этди.

– Ушбу танлов ёшларда катта қизиқиш уйғотди, – дейди лойиҳа координатори Беҳзод Ортиқов. – Мингдан зиёд ёшлар қатнашган танловнинг ярим финал босқичига 219 иштирокчи йўлланма олди. Ярим финалда иштирокчилар олдига махсус топшириқларни бажариш, кўпроқ балл тўплаш вазифаси қўйилди.

– Бизга турли кўринишдаги мураккаб вазифалар берилди ва баллар вазифанинг мураккаблигига қараб ҳисобланди, – дейди ЎзА мухбирига танлов иштирокчиси Евгений Пак. – Ҳар бир иштирокчи танловнинг онлайн-жадвалини кўриш ва рақиблари тўплаган балларни кузатиш имкониятига эга бўлди. Бу ғалабага бўлган интилишимизни янада кучайтирди.

Топшириқларни муваффақиятли бажарган 90 дан ортиқ ёшлар шу йилнинг сентябрь ойида "ICTWeek Uzbekistan – 2016" ҳафталиги доирасида бўлиб ўтадиган финал босқичига йўлланма олди.

М.ҚАРШИБОЕВ

Кўрик-танлов

МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

Пойтахтимиздаги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида юртимиздаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг чет тили фани ўқитувчилари ўртасида "Республикадаги энг яхши чет тили ўқитувчиси" кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сараланган педагоглар инглиз, немис ва француз тиллари йўналишида беллашди. Илк маротаба жорий йилда ўтказилган ушбу кўрик-танловдан кўзланган мақсад мамлакатимиздаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида чет тилларни ўқитишни янада такомиллаштириш, бу йўлда самарали меҳнат қилаётган ўқитувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, чет тиллар таълими бўйича илғор тажрибаларни оммалаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Танловнинг биринчи шартида иштирокчиларнинг берилган мавзу асосида 300 тагача сўздан иборат ёзма ишлари баҳоланди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари муаллимларнинг мавзуни очиб бериш қобилияти, фикри теранлиги, услуби, сўзларни мисоллар асосида тўғри қўллай олиши, ёзма ишнинг лексик ва грамматик тузилишига алоҳида эътибор қаратди.

— Мамлакатимиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида хорижий тил педагогларининг билим ва малакасини муттасил оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани самарасида, чет тиллар ўқитувчиларининг халқаро даражада доимий маҳоратини ошириб бориш механизми яратилди. Ҳозирда педагогларнинг ўқитувчи, катта ўқитувчи, етакчи ўқитувчи, бош ўқитувчи сингари малака тоифалари мавжуд бўлиб, бунга ҳамоҳанг равишда маҳоратли муаллимларни баҳоловчи, мураббий, тест тузувчи, ўқув-услубий мажмуалар яратувчи, миллий эксперт каби гуруҳларга ажратиш мўлжалланмоқда, — дейди Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори ўринбосари З.Худойбердиев. — Янги механизм асосидаги маҳорат ошириш босқичларининг 1-даражаси бўйича лицей ва коллежлардан 4 минг нафардан ортиқ чет тили фани ўқитувчиси иштирок этди.

Танловнинг иккинчи турида мураббийлар Давлат таълим стандартлари асосида танланган мавзулар бўйича тақдимот намойиш қилди. Муаллимларнинг ишларини баҳолашда тақдимотнинг дидактик ва методик мақсад-вазифалари, мантиқий яхлитлиги, материалнинг "муаммоечим" тамойили бўйича кетма-кет жойлаштирилгани, касбий компетентлиги, келтирган маълумотларининг янгилиги, мавзуни ёритиш жараёнида илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси каби мезонларга таянилди.

Якуний натижаларга кўра, немис тили йўналишида 1-ўрин Тошкент шаҳридаги халқаро Вестминстер университети қошидаги академик лицей ўқитувчиси Шавкат Холмуродовга насиб этди. Термиз давлат университети қошидаги 2-академик лицей ўқитувчиси Муборак Каттабоева инглиз тили, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги Нуристон академик лицей ўқитувчиси Дилфуза Отамуродова француз тили бўйича биринчи ўринга сазовор бўлди.

Танлов ғолиблари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Мухлиса ҚОСИМОВА

НОЖЎЯ ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Эркинбек (исм-шарифлар ўзгартирилган) уч маротаба фирибгарлик жиноятини содир этиб, ўзига тегишли жазоларни олди. Аммо у озодликнинг қадрига етмасдан яна жиноятга қўл урди.

У Мирзо Улуғбек туманида жойлашган "Ширин деҳқон бозори"га тез-тез бориб турарди. Кунларнинг бирида у яна бозорга тушди. У ерда савдо қиладиган таниши Висолани учратди. Иккаласи анча вақтгача суҳбатлашиб ўтиришди. Висола унга бозорда савдоси юришмаётганлигини, бошқа бирон иш бўлса ишлашлигини айтди.

"Иш қидираётган бўлсангиз иш кўп. Хоҳласангиз сизни Москва шаҳридаги қандолат маҳсулотлари цехига жойлаштириб қўйишим мумкин" деди Эркинбек ўзини бу аёлга астойдил ёрдам бермоқчи экандек кўрсатиб.

"У ерда иш ҳақи қанча?" дея қизикди Висола.

"Ҳар ойда 1.500 АҚШ долларидан иш ҳақи беришади. Агарда яхшироқ ишласа ундан ҳам кўпроқ беришади. Агар ишлаш ниятингиз бўлса, танишларингиздан камида 6-7 кишини битта гуруҳ қилиб Москвага олиб кетишим мумкин. Фақат бунинг учун олдиндан Россияга бориш учун чипта ва ҳужжатларни тўғрилаш лозим. Россия элчихонасидан уларни расмийлаштириш керак. Фуқаролиги бўлмаган шахсларга фақат элчихонадан рухсат олиш керак. Бунинг учун тахминан 700 АҚШ доллари кетади, деди Эркинбек.

Висола унинг гапларига чиппа-чин ишониб дарҳол синглиси Нурияга қўнғироқ қилиб бу хабарни етказди. Нурия ҳам Москвага бориш истагини билдирди. Висола ўзи ва танишлари учун Эркинбекка 1.800 АҚШ долларини берди.

Орадан бироз вақт ўтгач Эркинбек Висоланинг яна бир синглиси Дилшода билан гаплашди. Унинг ҳам ишончига кириб, Москва шаҳрига олиб бориб ишга жойлаштириш учун 550 АҚШ доллари ва 800.000 сўмини алдаб олишга эришди.

Шундан сўнг унинг фириб тузоғига Нозима тушди. Эркинбек уни ҳам алдаб-авраб, Москва шаҳридаги қандолатчилик цехига ишга жойлаштиришни ваъда қилиб, ундан 980.000 сўм ва 100 АҚШ долларини олишга муваффақ бўлди.

Афсуски, осонгина пул топишнинг йўлини тутмоқчи бўлганларнинг орзулари амалга ошмади. Ваъдабознинг найрангларидан тоқатлари-тоқ бўлган жабрланганлар унинг устидан судга мурожаат қилишди.

Шундай қилиб суд Эркинбек Абдуҳамидовни Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисмининг "б" банди билан айбдор деб топиб, унга 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

"Қилмиш — қидирмиш" деб бежизга айтилмаган. Ножўя қўйилган қадам учун барибир, эртами-кечми жавоб беришга тўғри келади.

Тўлқин СУЛАЙМОНОВ,
Мирзо Улуғбек туман прокуратураси катта терговчиси
Хонбиби МАҲАМОВА,
журналист

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган 162-умумтаълим мактабида "Ҳар бир ёш авлод эътиборимизда" шиори остида семинар бўлиб ўтди.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ЭЪТИБОРДА

Тадбирда Чилонзор тумани ҳокимлиги, туман маънавият тарғибот маркази, ҳуқуқ-тартибот, тиббиёт ва ички ишлар ходимлари ҳамда тумандаги барча умумтаълим мактаблари раҳбарлари иштирок этди.

Мазкур семинарда сўзга чиққанлар таълим муассасаларида таҳсил олаётган ҳамда маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёшлар орасида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш, улар қалбида ватанпарварлик туйғусини кучайтириш, маънавий дунёқарашини шакллантириш тўғрисида фикр юритдилар.

Шунингдек тадбирда халқимиз эътиборига тушган етук санъаткорлар, актёр ва актрисалар, ёш ижрочилар ҳамда турли танловлар ғолибларининг чиқишлари семинар иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Зафар НАЗАРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2015 йил 26 июндаги 10-1505/9586-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Широқ кўчаси, 100А-уй манзилида жойлашган ер участкасининг умумий майдони 1 046 кв.м, бинонинг умумий майдони 736 кв.м, баландлиги 6 метрга тенг бўлган омборхона бинои-ншоати қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 708 685 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 18 август куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 16 август куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko`chmas Mulk Savdo Xizmati" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: 228-80-26. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

Спорт янгиликлари





БИРИНЧИ ДАВРА ЯКУНЛАНДИ

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида ташкиллаштирилган мамлакат XXV миллий чемпионатининг биринчи давраси якунланди.

Маълумки, жорий йилда ҳам олий лигада 16 та жамоа иштирок этмоқда. Пойтахтимиз шарафини амалдаги чемпион "Пахтакор", мамлакат XXIV миллий чемпионати кумуш медали совриндори "Локомотив", "Бунёдкор" ҳамда олий лиганинг янги вакили "Обод" жамоалари ҳимоя қилишмоқда.

Айтиш жоизки, жорий йилги мавсумда барча жамоалар имкон қадар яхшироқ ўйин намойиш этишга интилмоқда. Совринли ўринлар учун 7-8 та жамоа кураш олиб бораётганлиги эса қувонарли ҳол.

Биринчи даврани биронта мағлубиятсиз ўтказаётган "Бунёдкор" ва "Локомотив" биринчи, иккинчи ўринларда боришмоқда. Чемпионатнинг кучли бешлигига "Насаф", "Металлург", "Пахтакор" якун ясашган. Дарвоқе, "Қизилқум", "Бухоро", "Олмалиқ", "Нефтчи" жамоалари ҳам совринли ўринлардан умид қилишмоқда. Чунки турнир жадвалининг бешинчи поғонасида бораётган "Пахтакор" ҳисобида 27 очко мавжуд бўлса, ундан кейинги ўринда бораётган "Қизилқум" тошкентликлардан бор-йўғи 4 очкога ортда қолмоқда.

Турнир жадвалининг қуйи поғоналарини "Андижон", "Қўқон – 1912", "Обод" клублари эгаллаб туришибди. Агар ушбу жамоалар давралар оралиғида машғулотларни янада кучайтиришса, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этишса кучлилар сафида қолишади.

Биринчи давра якунига кўра Игорь Сергеев рақиблар дарвозасини 11 марта аниқ нишонга олиб, тўпурарлар рўйхатида карвонбошилик қилмоқда. Аммо, энди Игорь Хитой чемпионатида ижара асосида фаолият юритади. Шу боис тўпурарлар баҳсида курашни З.Абдуллаев, Э.Шомуродов, З.Полвонов, Ш.Норхоновлар давом эттиришади.

Жорий йилги мавсумда "Пахтакор" кўп очко йўқотиб бешинчи ўринда бораётганлиги пойтахтлик муҳлисларни бир оз ранжитмоқда. "Обод" ҳақида эса нима дейиш мумкин? Жамоа ёш футболчилардан таркиб топган. Ҳар бир ўйинга "Обод" футболчилари жиддий тайёргарлик кўриб тушмоқдалар, ажойиб ўйин намойиш этмоқдалар.

Энди эътиборингизга турнир жадвалини ҳавола этамиз:

№	Жамоа	Ўйин	Ғалаба	Дуранг	Мағлубият	Т-Н	Очко
1	"Бунёдкор"	15	11	4	0	29-5	37
2	"Локомотив"	14	11	3	0	34-11	36
3	"Насаф"	15	8	4	3	23-13	28
4	"Металлург"	15	8	4	3	24-17	28
5	"Пахтакор"	15	8	3	4	26-16	27
6	"Қизилқум"	14	6	5	3	19-16	23
7	"Бухоро"	15	6	5	4	17-15	23
8	"Олмалиқ"	15	7	0	8	24-26	21
9	"Нефтчи"	15	6	3	6	14-21	21
10	"Машъал"	15	6	1	8	18-19	19
11	"Шўртан"	15	5	2	8	27-30	17
12	"Сўғдиёна"	15	4	4	7	12-18	16
13	"Навбаҳор"	15	4	2	9	21-24	14
14	"Андижон"	15	3	0	12	13-30	9
15	"Қўқон-1912"	15	3	0	12	13-33	9
16	"Обод"	15	2	2	11	11-31	8

Фақат тажрибасизлик сабаб, рақибларига имкониятни бой бериб қўйишмоқда. "Обод" кўплаб ажойиб ғалабалари билан иккинчи даврада муҳлисларини хурсанд қилади деб умид қиламиз.

Чемпионлик учун кураш "Локомотив" ва "Бунёдкор" жамоалари ўртасида кечса ажаб эмас. Дарвоқе, "Локомотив" Осиё чемпионлар лигаси турниридаги муваффақиятли иштирокини давом эттираётгани қувонарли ҳол.

Хуллас, гапирсак гап кўп. Аммо, ҳали ҳаммаси олдинда.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТЕЗКОР ВА ЧАҚҚОН ЁШЛАР

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан "Ёзни "Камалак" билан" лойиҳаси доирасида Тошкент давлат техника университети спорт мажмуасида "Қудратли юртнинг соғлом фарзандларимиз!" мавзуида сув спорти бўйича мусобақа ташкил этилди.

"Спорт — соғлик гарови" шиори остида ўтказилган мусобақадан кўзланган асосий мақсад ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг мунтазам жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши ҳамда спортнинг оммавий турлари, хусусан сузишга кенгроқ жалб қилиш ва ёзги таътилни мароқли ўтказишларига имкон яратишдан иборатдир.

Ёшларнинг соғлом бўлиб вояга етиши, жисмоний чиниқишида спортнинг ўрни беқиёслигини яна бир бор таъкидлаш мақсадида ўтказилган мусобақада шаҳарча ҳудудида жойлашган маҳаллаларда истиқомат қилувчи 15 нафар спортчи ёшлар сув спортининг эркин ва чалқанчасига сузиш турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Мусобақада 50 нафар 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган маҳалла ёшлари ўз тенгқурларига мухлислик қилишди.

— Спортда сузиш турининг қийин томони шундаки, спортчи сувда ўз мувозанатини сақлаб туриши ва сувга тез мослашиб кета олишидадир, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши мутахассиси Т.Икромов. — Тезлик ва чаққонлик эса чемпионликнинг калити десак муболаға бўлмайди. Мазкур мусобақа орқали ёшларимиз ўртасида спортнинг аҳамияти катталигини, фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлиши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Қизғин ва муросаларга бой бўлган мусобақада Мирза Ғолиб номли маҳаллада истиқомат қилувчи Қобилжон Тўлабоев эркин сузишда биринчи ўринни қўлга киритди. Чалқанчасига сузиш баҳсларида эса "Шифокорлар" маҳалласидан Фирдавс Ғанижонов мутлоқ ғолибликка эришди.

Мусобақа ниҳоясида фаол иштирок этган ёшлар "Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Зиёда РАСУЛОВА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Шанхай кутубхонаси билан ҳамкорликда Шанхай шаҳри ҳақидаги фотосуратлар ва китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

ШАНХАЙ МАНЗАРАЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Асаджон Хўжаев, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сунь Лицзе ва бошқалар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатлар барча жабҳалар қатори маданият соҳасида ҳам изчил равнақ топаётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар ҳуқуқий асос бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

"Шанхайга йўл" лойиҳаси доирасида ташкил этилган кўргазма халқларимиз бир-бирини янада чуқур англашида муҳим аҳамият касб этади.

Кўргазмадан Шанхай шаҳрининг тарихи, диққатга сазовор жойлари, маданий обидалари, миллий анъаналари, адабиёти ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар ўрин олган.

– Ушбу тадбир кутубхонамиздан фойдаланувчиларни Хитойнинг тарихи ва анъаналари, ҳозирги кунда эришаётган ютуқлари билан таништириш мақсадида ўтказилмоқда, – дейди Ўзбекистон Миллий кутубхонаси матбуот котиби Гулчеҳра Ҳамидова. – Лойиҳа доирасида кутубхонамиз фонди хитойлик муаллифларнинг турли соҳаларга оид 350 номдаги китоблари билан бойиди.

Кўргазмадан ўрин олган "Шанхай тонги", "Ю боғи", "Донгҳаи кўприги", "Тарихий афсона" каби фотосуратларда шаҳарнинг гўзаллиги, маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, халқнинг тарихи ва миллий ўзига хослиги, бунёдкорлик иншоотлари, саноат объектлари тасвирланган.

– Кўргазмада инглиз тилида чоп этилган хитой халқ эртаклари, мақол ва топишмоқлари, болалар адабиёти намуналарини кўриб, қизиқиб қолдим, – дейди Шайхонтоҳур туманидаги 59-мактаб ўқувчиси Чарос Зиёева. – Шанхай шаҳрининг ажойиб манзараси, қадимий тарихи, бой маданияти акс этган фотосуратлар кўҳна Чин диёрига қизиқишимизни янада оширди.

Тадбирда қўшиқ ва рақслар ижро этилди, миллий либослар намойиши ўтказилди.

Д.КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

"101"

ОГОҲЛИККА ЧОРЛАЙМИЗ

Одатда ёнғинларнинг асосий қисми аҳоли турар жойларида содир бўлади. Шунинг учун ҳам Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эътибори кўпроқ фуқаролар ўртасида ёнғин хавфсизлиги бўйича профилактик ишларни кучайтиришга қаратилган.

Афсуски шунга қарамай, пойтахтимизда турли сабабларга кўра ёнғинлар содир бўлмоқда. Уларда инсонлар тан жароҳати олгани ёки ҳалок бўлганини эшитиб, ачиниб кетади киши.

Айрим юртдошларимиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларини яхши билсалар-да, негадир уларга амал қилишни хушламайдилар. Бунинг натижасида эса хонадонлар, катта майдонлар олов қуршовида қолади, инсонларнинг ҳалок бўлишига ёки бир умрга ногирон бўлишларига олиб келади. Бундай фожиали ҳолатлар ҳаётга енгил қараётган фуқаролар учун сабоқ бўлиши даркор.

Шуларнинг олдини олиш мақсадида биз ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари барчани ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишга чақириб, огоҳликка чорлаб қоламиз.

Бахтиёр ҲОШИМОВ,
Тошкент шаҳар
ИИББ ЁХБ
28-ҲЁХҚ кичик
инспектори, сафдор

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИНГ!

Ўзининг шонли ва бой тарихига ҳамда Марказий Осиёда ҳарбий мутахассисларни тайёрлашда юқори мавқега эга Тошкент олий умумкўшин қўмондонлик билим юрти қуйидаги кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар лавозимларига танлов эълон қилади:

1. Табиий-илмий фанлар кафедраси бўйича:
кафедра мудири ўринбосари, доцент (олий математика) – 1 ўрин;
доцент (олий математика) – 1 ўрин;
доцент (чизма геометрия ва муҳандислик графикаси) – 1 ўрин;
катта ўқитувчи (чизма геометрия ва муҳандислик графикаси) – 1 ўрин;
катта ўқитувчи (олий математика) – 1 ўрин.

2. Тиллар кафедраси бўйича:
кафедра мудири, профессор – 1 ўрин;
кафедра мудири ўринбосари, доцент (инглиз тили) – 1 ўрин;
доцент (инглиз тили) – 1 ўрин;
катта ўқитувчи (инглиз тили) – 1 ўрин;
ўқитувчи (рус тили) – 1 ўрин;
ўқитувчи (инглиз тили) – 1 ўрин;

3. Ахборот технологиялари кафедраси бўйича:
профессор (информатика ва ахборот технологиялари) – 1 ўрин;
доцент (информатика ва ахборот технологиялари) – 1 ўрин;
катта ўқитувчи (информатика ва ахборот технологиялари) – 1 ўрин.

4. Зирҳли танк ва автомобиль техникалари тузилиши ва улардан фойдаланиш кафедраси бўйича:
доцент (электротехника ва электроника асослари) – 1 ўрин;
ўқитувчи – тўғарак раҳбари (автотехника) – 1 ўрин.

5. Ҳарбий психология кафедраси бўйича:
доцент (умумий психология, шахс психологияси) – 1 ўрин;
катта ўқитувчи – 1 ўрин.

6. Гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанлар ва шахсий таркиб билан ишларни ташкиллаштириш кафедраси бўйича:
катта ўқитувчи (педагогика ва маданиятшунослик) – 1 ўрин.

7. Жисмоний тайёргарлик ва спорт кафедраси бўйича:
мураббий – ўқитувчи (айкидо мураббийи) – 1 ўрин
ўқитувчи – тўғарак раҳбари (спорт ориентирлаш йўналиши) – 1 ўрин

8. Қўшинлар разведкаси кафедраси бўйича:
ўқитувчи (руҳий жанг ва психологик операциялар йўналиши) – 1 ўрин

9. Тактика кафедраси бўйича:
ўқитувчи – тўғарак раҳбари (моделлаштириш ва симуляция) – 1 ўрин

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:
билим юрти бошлиғи номига ариза;
кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси.

Қатнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини тақдим этишлари лозим.

Ҳужжатлар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 2. Тошкент олий умумкўшин қўмондонлик билим юрти. Телефонлар: 267-14-91, 268-56-70.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 2016 йил 5 июлдаги 92к-ПО-сонли буйруғи қабул қилиниши муносабати билан аввал "Elsis-Savdo" АЖнинг биржадан ташқари савдо тизими (БТСТ) савдоларига чиқарилган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қирққиз кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган "IPAK YO'LI BANK" акциядорлик жамиятининг устав фондидаги (бундан буён "Акциялар пакети" деб аталувчи) 0,61 фоиз (4 559 876 дона) давлат акциялар пакети савдолардан олинди.

Мазкур акциялар пакети биржадан ташқари савдоларда сотилиши юзасидан "Тошкент оқшоми" газетасининг 28.08.2015 йилдаги № 178-179-сони ва "Биржа" газетасининг 29.08.2015 йилдаги № 102 (1969)-сонли нашрларида берилган реклама эълонлари бекор қилинган деб ҳисоблансин.

Тошкент Давлат стоматология институти клиникасининг Тиш протезлаш поликлиникаси биносини бузиш ва бузилишидан чиққан материалларни сотишга
ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Манзил: Яшнобод тумани, Тараққиёт кўчаси, 103-уй.

ТТА 3-клиникаси ҳудудидаги ТТА босмахонаси биноси, рентген-радиология бўлими қаршисидаги клиниканинг эски ертўла омборхонаси, ҳудуддаги ертўла омборхонасига ёндош эски типдаги ошхона, клиника маъмурияти биносига ёндош енгил типда қурилган кафе ва савдо дўконларини бузиш ишларини амалга оширишга ва бузишдан чиқадиган қурилиш материалларини сотишга
ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Телефон: 233-37-18, 232-21-13.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **14 июль** куни ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 23-25, кундузи — 30-32 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **14 июль** эрталаб Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9225
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 755
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5414 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 15.20
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ